25

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

30 ЯНВАРЬ 1969 й.
ПАЙШАНБА
№ 25 (789).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАРАДДУД

Бизнинг интервью

Туроб ТЎЛА
Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи

Шу кунларда республикамиз ва унинг пойтахти Тошкент яна бир дўстлик байрамига катта тараддуд кўряпти. Бир неча кундан кейин Тошкентда Аму соҳилидаги дўстлар—қорақалпоқ диёрининг адабиёт ва санъат вакиллари кутиб олинади.

7 февраль куни Навоий номли Ўзбекистон давлат академик катта театр биносида очиладиган Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги халқлар дўстлигининг ёркин намойишига айланади.

Қорақалпоқ дўстларимизнинг ҳафталигига 400 га яқин киши тайёрланмоқда.

Станиславский номли мусиқали драма театрининг санъаткорлари томошабинларни ўз асарлари билан хушнуд этадилар. Улар «Навоий Астрободда», «Аҳмад подшо», «Элқинлар» каби спектакларни намойиш қилишади. Бердах номли қорақалпоқ Давлат филармониясининг санъаткорлари ҳафталик файзига файз киритадиган ижодий коллективдир. Филармониянинг ашула ва рақс ансамбли, симфоник оркестри, хор капелласи қатор концертлар беради.

Бундан ташқари Қорақалпоғистонда «Қирқ қиз» деган ажойиб ансамбл бор. Бу ансамбл концертларини кўриш жуда завқли бўлади.

Қорақалпоқ санъати йил сайин ривожланиб, маҳорат чўққиларини эгаллаб келяпти. Биз ҳафталик давомида ҳурматли отахон санъаткорлар билан бирга ёш, санъат остонасига эндигина кириб келган бир талай уста қўшиқчи, моҳир раққоса, талантли бастакорларни ҳам кўрамиз.

Ҳафталикка Қорақалпоғистоннинг бир гуруҳ ёзувчилари, шоирлари ҳам таклиф этилган. Уларнинг ижодий кечаларида поэзия кечалари, китобхонлар билан учрашувлар ўтказилади. Адиблар В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети, Алоқа институти талабаларининг меҳмони бўладилар.

Қорақалпоқ мўйқалам соҳиблари Орол балиқчилари, Аму жиловкорлари, пахтакорлар, чорвадорлар, оловкорлар ҳақида мазмунли, бадиий жиҳатдан пухта асарлар яратмоқдалар. Республика санъат музейининг залларида очиладиган Қорақалпоғистон санъат асарлари кўргазмасида шу янги асарлар билан танишиш мумкин.

Ҳафталик қатнашчиларининг бир группаси Фарғона водийси бўйлаб, иккинчи группаси эса Бухоро бўйлаб йўлга чиқади. Улар меҳнаткашлар билан учрашиб, томошалар бастакорларни ҳам кўрамиз.

Қардошларимизнинг ҳафталиги чиндан ҳам дўстлик байрамига айланади. Биз қорақалпоқ дўстларимизни қучоқ очиб кутиб оламиз.

16 март—маҳаллий Советларга сайловлар куни

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Буюк Ленин ,давлатни бошқаришга, давлат функцияларини бажаришга ҳамма-ҳамма гражданларни жалб қилиш керак, деган эди. Бизнинг партиямиз доҳийнинг ана шу васиятини шараф билан бажармоқда. Совет ишчиси, деҳқони, интеллигенти ҳақли равишда: «Давлат—бу биз, унинг сиёсати—бизнинг сиёсатимиз», —дейиши мумкин.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги барча миллат вакиллари меҳнаткашларидан 2 миллиондан кўпроқ киши маҳаллий Советлар, Иттифоқ ва автоном республикалар Олий Советлари ва СССР Олий Советининг депутатлари эканлиги бизнинг демократиямиз чинакам демократия эканлигидан далолат беради.

Республикамизда маҳаллий Советларга сайловлар 1967 йилнинг 12 мартида ўтказилган эди. Унда сайловчиларнинг 99, 99 процента иштирок этди. Маҳаллий Советларга навбатдаги сайлов шу йилнинг 16 мартида ўтади. Ҳозир республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида сайловга тайёргарлик қизғин.

Қуйида шаҳримиздаги бир қатор сайлов округлари қошидаги агитпункт ходимларига сўз берамиз.

205-сайлов округи қошидаги агитпункт мудири Манзура Юсупова:

—Сайлов олди ишларининг планини тузиб чиққанмиз. Уни амалга оширишда қирқ агитатор фаол қатнашмоқда.

Шу кунларда шинам безатилган агитпунктимиз эртадан кечгача сайловчилар билан гавжум.

Агитаторларимиз маълум хонадонларга бириктириб қўйилган. Улар хонадонларда тез-тез бўлиб, дунё янгиликлари, совет сайлов системаси ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

155 сайлов округи қошидаги агитпункт мудирининг ўринбосари Закоат Сандраниева:

— Сайловчилар рўйхатини олиб бўлдик. Бу ишда агитаторларимиздан Ҳайри Аҳмедова, Муқаддас Орифжонова, Абдувоҳид Файзуллаев ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Агитпунктда навбатчилар белгиланганмиз. Улар эртадан кечгача шу ерда сайловчилар билан турли мавзуларда суҳбат ўтказмоқдалар.

210-сайлов округидан агитпункт мудирининг ўринбосари Мирҳосил Ўлжаев:

— Нигирма тўққиз илғор ўқитувчидан иборат агитаторларимиз сайлов олди ишларида фаол қатнашмоқдалар. Улар учун яқинда «Совет демократияси» деган мавзуда семинар ўтказамиз. Улар бу семинарда олган билимларини сайловчиларга етказадилар.

● *БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА*



Слесарь Юсуф Облоев Тошкент экскаватор ремонти заводининг моҳир рационализаторларидан бири. Корхонада баракали меҳнат қилаётган бу ишчи кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини енгиллатувчи рационализаторлик таклифларини жорий этди. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида ишлаб чиқаришга жорий қилинган унинг олтита рационализаторлик таклифи давлатнинг кўпгина маблағини тежаш имконини берди.

СУРАТДА: рационализатор Ю. Облоев.

СУНЪИЙ ЧАРМ

Тошкентдаги кўн-мўйна заводида давлат комиссияси янги сунъий чарм тайёрланадиган ишлаб чиқариш участкасини ишга тушириш ҳақидаги ҳужжатни имзолади. Участкага ишлаб чиқариш унумдорлиги билан ажралиб турадиган такомиллашган машина-ускуналар ўрнатилган.

Янги маҳсулот ғалтакка ўралиб, рулон қилиб чиқарилади. Станокларнинг барабан ларидан сунъий чармдан исталганча олинаверади.

Кўрик давом этмоқда

ТАКЛИФЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб бошланган ва давом этаётган ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари кўриги бўйича «Ташавтомаш» заводида тузилган кўрик комиссиясига корхона рационализаторлари ва ихтирочилари актив ёрдам беришмоқда. Коллектив ўтган йили 160 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этишдан 150 минг сўмлик иқтисодий фойда олишга аҳд қилган эди. Аҳдига вафодорлар 165 та таклиф жорий этиб, корхонага 160 минг сўмлик фойда келтирдилар.

Коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бу йил ишлаб чиқаришга 425 та таклиф жорий этиш ва бундан 415 минг сўмлик иқтисодий фойда кўриш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилди.

Бу борада ихтирочилар ҳам активлик кўрсатишяпти. Ихтирочилардан шу кунгача кўрик комиссиясига ўттиздан ортиқ таклиф тушди.

Булардан ўндан ортиғи механика бўлимининг ижодкорларига мансубдир. Механика бўлимининг ижодкорлари шонли санани 27 та ихтирочилик ва 67 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда бу таклифлардан 75 минг сўмлик иқтисодий фойда кўриш билан нишонлашга аҳд қилдилар.

Рационализаторлардан мастер Л. Олех, Д. Третьяков, В. Будилин, Н. Жабборов ва бошқа кўплаб ишчилар иқтисод ва тежамкорлик кўригида фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг ижодкорлиги туфайли корхонада кўплаб ишчи кучи, металл, давлат маблағлари тежаб қолиняпти ва техника тараққиёти вазифалари ҳал этиляпти.



Ишлаб чиқариш зарбдори Нина Лосева Тошкент ёғ-мой комбинати маргарин цехининг ишчан оператори. У ўз сменасида маргарин тайёрловчи агрегатларнинг нормал ишлашини таъминлайди.

СУРАТДА: оператор Н. Лосева. М. Нуриддинов фотолари.

Чиройли мебеллар

Тошкентдаги «Шарқ» мебел фирмасининг маҳсулотлари йил сайин яхшиланиб боряпти. Ҳозирги пайтда ҳамшаҳарларимизнинг корхона мебелларга бўлган эҳтиёжи ошиб боряпти. Айниқса, гарнитурлар харидорбоплиги билан ҳаммага манзур бўлмоқда. Фирманинг бош инженери Федор Карлович Штоппель мухбиримиз билан суҳбатда бундай деди:

— Бу йил корхонамиз савдо ташкилотларига тўрт минг дона йигма мебеллар комплексларини жўнатади. Маҳсулотларимизни транспортировка қилиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Илгари мебелларни йиғилган ҳолда жўнатар эдик. Бундай ҳолда маҳсулот эгасига етиб боргунча, у ер бу ери қирилар, ёрилар эди. Эндиликда эса шкаф, каравот ва бошқа хил мебелларни бўлак-бўлак ҳолида юборяпмиз. Шубҳа йўқки, бу усул, биринчидан, мебелни яхши сақласа, иккинчидан, транспорт харажатини камайтиради.

МУЗИКА ОЛАМИДА

Таниқли композитор Б. Зойдман «12-кеча» операсини томошабинларга тортиқ қилгач, скрипка учун концерт ёзишга киришган эди. Яқинда у ўз ишини поёнига етказди.

Ёш композитор П. Ҳолиқов эса торли оркестр учун ёзган симфониэтасини тугаллади. Бу муаллифнинг биринчи асаридир.

Яна бир неча кундан сўнг янги асарларнинг муҳокамаси бўлади.

ҲАВАСКОРЛАР САҲНАСИДА

Тўқимачилар саройи қошидаги халқ театри ўзининг бир қанча спектакллари билан томошабинлар эътиборини қозонган. Масалан, улар саҳнага қўйган драматург Иззат Султоннинг «Имон», Х. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» каби қатор асарлари Тошкент телестудияси орқали ҳам намойиш қилинганди. Театр ўзининг қатор муваффақиятлари эвазига халқ театри деган юксак номга сазовор бўлди.

Яқинда театрда буюк немис шоири ва драматурги Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асарининг сўнгги репетицияси бўлиб ўтди. Театр коллективи спектаклни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр А. Юнусов раҳбарлигида тайёрлади.

КЎРГАЗМАДАН

Республикамиз рассомларидан Константин Чепраков ва Раҳим Аҳмедовлар Москвада ташкил этилган ўз асарларининг кўргазмасидан қайтиб келдилар. Кўргазмага бу рассомларнинг графика, линогравюра, портрет ва пейзаж суратлари қўйилган эди.

Кўргазма пойтахт санъат мухлисларида катта таассурот қолдирди. Улар суратларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар ва фикр-мулоҳазалар дафтарида илиқ гаплар ёзиб қолдирдилар.

ФОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДАН

◆ Жанубий Яман Халқ Республикасининг президенти Қахтан Муҳаммад Ашшабий СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан 28 январда Москвага расмий ташриф буюрди.

◆ Монголия Халқ Республикаси маданият арбоблари делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Делегация составида Монголия Халқ Республикаси маданият министри С. Сосорбарам ва шу министрлик саноат бошқармасининг бошлиғи Х. Нацагдорж бор. Делегация аъзолари Тошкентда республика маданият арбоблари билан бир неча учрашув ўтказдилар.

● ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

МАИШИЙ ХИЗМАТ БИНОСИ

Қардош украиналик бинокорлар Тошкентнинг Ленин кўчасида бири-биридан чиройли бўлган иккита 9 қаватли уйни бунёд қилдилар. Бу янги биноларнинг олдига яна қўшимча корпуслар қурилади. «Узгипротяжпром» институтида ишланган лойиҳалар янги икки уйнинг олдида ишлайдиган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг биноларидир. Тўртта бир қаватли бино замонамизнинг архитектура ютуқлари асосида қурилади. Китоб магазини, идора моллари магазини ва филателия, сартарошхона, дорихона ва бошқа тармоқлар ишлайди.



Тошкентдаги Пахта селекцияси илмий-текшириш институтида пахтанинг янги навларини яратиш борасида радиация методларидан кенг фойланилмоқда.

СУРАТДА: радиация селекцияси лабораториясининг мудири қишлоқ хўжалик фанлари кандидати К. Ғуломов

Маҳримиз янгиликлари

ФОТО-САЛОН

Комсомол майдонида янги фото салон очилди. Фото салон хизматчиларининг кундалик меҳнатидан ҳамшаҳарларимиз хурсанд бўляптилар.

НОНВОЙХОНА

Бешёғоч кўчасида очилган янги нонвойхона Йўлдош Охунбобоев ва Ҳақиқат маҳаллаларининг аҳлига хизмат кўрсата бошлади.

Тандирда ёпилаётган бўрсилдоқ нонлар маҳалла аҳлининг дастурхонини безамоқда.

НОДИР КИТОБЛАР ЖАВОНИ

Навоий кўчасидаги китоб пассажи коллективи нодир китоблар жавонини ташкил қилди. Бу ерда бундан бир неча ўн йиллар аввал нашр этилган китобларни харид қилиб оласиз.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкентдаги «Юлдуза» тикувчилик фирмасининг партия ва касаба союз ташкилоти фирма инженер-техник ходимлари учун ҳуқуқшунослик билимлари халқ университети ташкил этди.

Университетни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти оталиққа олди.

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

Ўтган дам олиш куни 1-тролейбус депосининг физкультура бўйича методисти Анвар Бурнашев бошлиқ чанғичилар группаси Чимён тоғига сайр қилиб чиқдилар.

Маданий дам олишга борганлар чанғи бўйича мусобақалар ўтказдилар. Слесарлар В. Нестеров, У. Икромов, Х. Камолов, Т. Громовалар мусобақада ғолиб чиқишди.

Тошкент электр транспорт хизматчилари ҳар ҳафтанинг дам олиш кунларини доимо мароқли ўтказадилар. Улар Чимён тоғлари, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларга тез-тез саёҳат қилиб туришади.



Тошкент «Совғалар» фабрикаси кўпгина ажойиб ёдгорлик буюмларини ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: фабриканинг ишчанишчиси нақш чизувчи Феруза Бўронбоева. В. Токарев фотоси.

● *Беш кунлик ва дам олиш*

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

Ўтган дам олиш куни 1-тролейбус депосининг физкультура бўйича методисти Анвар Бурнашев бошлиқ чанғичилар группаси Чимён тоғига сайр қилиб чиқдилар.

Маданий дам олишга борганлар чанғи бўйича мусобақалар ўтказдилар. Слесарлар В. Нестеров, У. Икромов, Х. Камолов, Т. Громовалар мусобақада ғолиб чиқишдилар.

Тошкент электр транспорт хизматчилари ҳар ҳафтанинг дам олиш кунларини доимо мароқли ўтказадилар. Улар Чимён тоғлари, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларга тез-тез саёҳат қилиб туришади.

● *Шу кунниинг темасида*

ШАҲРИМИЗНИ ҚОРДАН ТОЗАЛАЙЛИК

Долзарб кунларда

Айни вақтда кўчаларни қордан тозалаш ва уни шаҳар ташқарасига чиқариб ташлашда 137 бульдозер, 61 автогрейдер, 157 автомашина ишлаяпти. Ҳозир кўчаларда белкурак кўтарган юзлаб кишиларни кўриш мумкин. Ўқувчилар, уй бекалари, корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари йўлка ва йўлларни, майдонларни тартибга келтиришда ободонлаштириш ташкилотлари ходимларига ёрдамга келдилар.

...Пролетарская кўчаси. В. И. Ленин номидаги электротехника заводи дарвозаси олдида бир талай йигит-қизлар самосвалларга қор ортишмоқда.

Шаҳарда 8 мингга яқин меҳнаткаш ўзларининг асосий ишларини қўйиб қўлларига белкурак ғутдилар. Кўчаларни тозалашда айниқса, Чилонзор, Ҳамза, Фрунзе район меҳнаткашлари ғайрат ва ташаббус кўрсатишмоқда.

Зарур тадбирлар

Қиш қанчалик шаштига олмасин, қанчалик қор ёғмасин, кўп вақт ўтмай барибир кунлар илиб бошлайди.

Кўчаларда, ҳовлила р д а кўлоб сувлар пайдо бўлади. Эндиликда шаҳримиз меҳнаткашлари олдида кўчаларда катта-катта кўлмаклар пайдо бўлишига йўл қўймаслик вазифаси ҳам кўндаланг бўлиб қолди.

Бугун бўлиб ўтган актив йиғилишида худди мана шу масалла муҳокама қилинди ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Механизмлар тўла ишласин

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети тозалаш техникаси ва автомашиналари бўлган корхона ва ташкилотлар нинг раҳбарларига ўзларидаги техникани ободонлаштириш бош бошқармаси ихтиёрига бериш вазифасини юклади. Хўш, бу вазифа қандай бажариляпти?

«Главташкентстрой» кўчаларидаги корни тозалаш учун 100 та бульдозер, 60 та автогрейдер ажратиши керак эди. Аслида эса бу техниканинг ярми ишлаяпти, холос. «Гордорстрой» треста, автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигидаги ўртоқлар ҳам кўчаларни қордан тозалаш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунганликлари ҳолда, зарур техниканы ажратиб беришга эътибор бермаяптилар.

Ҳаммамизнинг бурчимиз

Дзержинский кўчасидаги 21-уйнинг ҳовлисида қор уюлиб ётибди. Хатто бинога кираверишдаги эшик олди ҳам қордан тозаланмаган. Томдаги, омбор олдидаги қор ҳам худди белга ураги. Ҳовли эгалари бино атрофини қордан тозалаб кўйишга бўйинлари ёр бермаяпти. Худди шу ерда жойлашган «Высотстрой» трести комплектациялаш бошқармаси раҳбарлари ҳам ўз территорияларини саранжом-саришта қилиб қўйиш ҳақида ўйлашмаяпти. Айниқса Ленин, Октябрь районларида кўчаларни қордан тозалашга кам эътибор бериляпти. Вақт кутиб турмайди. Шаҳарни қордан тозалаш учун зудлик билан ҳамма корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчиларини жалб қилиш керак. Қийин шароитларда катта жасорат кўрсатиб ўрганган шаҳримиз механизаторлари бугал ҳам зўр уюшқоқлик ва ташаббус кўрсатишларига барчанинг ишончи комил.

Муҳим партиявий иш

Партия турмуши

Кунларнинг бирида шундай бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Халқ дружинасининг штабига 17 ёшлар чамасидаги бир ўспиринни —жамоат тартибини бузган йигитни келтиришди. У Қўйлиқ майдонида янги йил арчасига осилган ўйинчоқлар комплектини «узиб» олаётганда қўлга туширилганди.

Ҳалиги йигитнинг жуда жаҳли чиқиб кетган эди. Штаб остонасига қадам қўйиши биланоқ ўшқирди:

— Нима хаққингиз бор, мени бу ерга олиб келишга? Мен ўйинчоқларни сотиб олдим-ку, ахир. Бу ерда ҳар қанақа одам ўтиргандан кейин...

Шундай деди-ю, бирдан у сўзидан тўхтаб қолди. Унинг олдида, қўлига дружиначиларнинг қизил боғлағичини боғлаган 1-уйсозлик комбинатининг директори Кошпов ўтирарди. Ҳалиги йигит худди шу комбинатга ишга кирмоқчи бўлиб юрган эди...

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Кошпов тартибни бузган бу йигит билан анча суҳбатлашиб ўтирди. Хайрлашаётган вақтда эса деди:

— Шуни эсда тутгинки, яхши хислатларни доимо эъзозлаш, ўраш керак. Умуман нопок йўл билан топилган нарса ҳеч вақт фойда келтирмайди.

Ақлли, доно, бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган киши билан ҳалиги йигит ўртасидаги бу суҳбат йигит хотирасида бутун умрга сақланиб қолишига мен аминман.

Инрик корхона директори дружиначининг қизил боғлағичи билан ўтирса... Бу нарса бизнинг Ҳамза районида оддий бир ҳодисага айланган. Совет милициясининг 50 йиллигида шаҳар ва район партия комитетларининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганлар орасида Кошпов, 1-ун комбинатининг директори Турсунхўжаев, «Тошкентвино» комбинатининг директори Маҳмудов, газ аппаратлари заводининг директори Султонов ва бошқа ўртоқлар ҳам бор эди. Бу нарса уларнинг актив фаолиятидан дарак бериб турибди, албатта.

Кўнгилли халқ дружинасининг ишида корхоналарнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари секретарларининг бевосита иштирок этиши, шубҳасиз, кўнгиллиларнинг обрўсини оширди, уларнинг фаолиятини янада жонлантириб юборди. Районимизда шундай вақтлар бўлганки, ўшанда ҳамма ишимиз ҳам жойида эмас эди. Кўпгина дружиналар фақат рўйхатдагина бор эди. Навбатчилликка чиққан дружиначилар ҳам ўз вазифаларини ҳеч қандай ташаббуссиз, ғайратсиз бажаришарди. Ана шунинг учун ҳам район кўнгиллилари активларининг кенгаши ўтказилди. 1-уйсозлик комбинати партия комитетининг секретари Соколов сўзга чиқиб, кўнгилли халқ дружиначиларининг ишини жонлантириш ва уларнинг обрўсини кўтариш ҳақида гапирди.

СССР Олий Совети Президиумининг «Безорилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармони, партия ва ҳукуматимизнинг жиноятчиларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган қарорини турмушга тадбиқ эта бориб, район партия комитети, район ижроия комитети билан ҳамкорликда йирик саноат корхоналарида кўнгилли халқ дружиначиларининг ишн қандай қўйилганлиги ҳақидаги шу корхона раҳбарлари ва партия комитетлари секретарларининг ахборотларини тингладилар. Дружиначилар фаолиятчи ишида йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди. Халқ дружиначилари, ўртоқлик судлари, оила ва мактабга кўмаклашувчи комиссияларнинг фаолиятини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди. Шунингдек, навбатчилик қилишнинг тасдиқланган графиги корхоналарнинг, муассаса ва ўқув юртларининг партия ташкилотларига юборилди.

«Районимизда жамоат тартибининг аъло даражада бўлиши ҳар бир коммунист бурчи» деган шиор бошланғич партия ташкилотлари йиғилишида илгари сурилди. Ичкиликбозлар, безорилар билан курашиш, болаларнинг саёқ юришига йўл қўймасликда КПСС аъзоларининг шахсий ўрнак кўрсатиши муҳим масала қилиб қўйилди.

Партия ташкилотлари халқ дружинасига тажрибали коммунист ва комсомолларни, ишлаб чиқариш илғорларини юборди. Район кўнгилли халқ дружинаси штаби сергайрат кишилар билан тўлдирилди. 10 та микроучастка ташкил этилди. Бу тадбир энг чекка кўчаларда ҳам жамоат тартибини сақлаш имконини берди.

Ҳозирги вақтда ҳар ҳафтанинг беш куни мобайнида ана шу 10 та микроучастка бўйлаб дружиначилар навбатчилик қилишади. Уларнинг ихтиёрига 20—25 автомашина бериб қўйилган. Шанба ва якшанба кунлари эса 450—500 дружиначи навбатчиликка чиқади. Норуда материаллари заводида, 4-ун комбинатида ва 14-турар-жойдан фойдаланиш конторалари да кўнгилли халқ дружиначиларининг янги отрядлари пайдо бўлди.

Районимизда 89 дружина бўлиб, унинг 5 мингга яқин кўнгилли аъзоси бор. Улар қўрқмас, ботир кишилардир. Кўнгиллилар амалий иш фаолиятлари билан районда аъло даражада тартиб ўрнатишни олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Ўтган йили дружиначилар 13 марта рейд ўтказишди. Ана шу рейд туфайли олиб сотарлар, безорилар, ишн ва яшаш жойи тайин бўлмаган бир қанча кишилар маълум бўлди. Безорилик қилган ва савдо тартибини бузганлар устидан 39 та жиноий иш қўзғалди. Ҳушёрхонага тушган ва жамоат тартибини бузганлар дружиначиларнинг талаби бўйича улар ишлайдиган корхона мажлисларида муҳокама қилинди. Уқишни ташлаган 73 ўсмир мактабларга ва ишга жойлаштирилди.

Милициянинг яқин ёрдамчилари бўлган дружиначилар завод ва муассасаларга 700 дан ортиқ мактуб юбордилар. Бу мактубларда улар ташкилотларнинг маъмурияти, партия ва комсомол комитетларига, оила, жамоат жойларида ўзларини тутолмаётган ишчи ва хизматчиларни тарбиялаш кераклигини уқтирдилар.

Бу нарса тартиббузарга ўз вақтида чора кўриш, унга насиҳатлар қилиш имконини берди.

Бундан ташқари, дружиначилар жиноятчиларнинг ишини очиш процессларида милиция бўлимларига ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

Дружиначиларнинг бундай яхши ишлари ҳаммавақт тақдирланиб келинмоқда. «Тошкентвино» комбинати дружиначиларининг командири Червоненко ҳалол ишлари эвазига чет эл саёҳатига бепул путёвка билан тақдирланди. Кўплаб кўнгиллилар эса Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланишди.

Ишимизда ҳали анча камчиликлар ҳам бор, албатта. Райондаги баъзи кўнгилли халқ дружиначилари ўз вазифаларини номигагина, қўл учида адо этишади. Бунга 2-ун комбинати, макарон фабрикаси ва қоғоз комбинатини мисол қилиб келтириш мумкин. Ана шу корхоналарнинг партия ва комсомол ташкилотлари кўнгилли халқ дружиначилари ишини яхшилашга жиддий аҳамият бермоқдалар даркор.

Х. ТОШПЎЛАТОВ,
Ҳамза район партия комитети ташкилий бўлимининг инструктори, район кўнгилли халқ дружинаси штабининг аъзоси.



Ипак-йигирув фабрикаси коллектива беш йилликнинг тўртинчи йилини юқори суръатлар билан бошлади. Иш графикда белгиланганидан анча тез суръатлар билан боряпти. Фабрика бу йил пландан ташқари 20 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишни белгилаган.

СУРАТДА: фабриканинг илғор ишчиси Уктам Азимова.

К. Розиқов ва Б. Мансуров фотоси. (ЎзТАГ).

Қийинчиликларни енгиб

Шаҳримизнинг Муқимий кўчасида 106 квартирали турар жой биноси қад кўтаряпти. Бу объектни 5-трестнинг 30-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуряптилар. Прораб Степан Иванович Федин бизга қуйидагиларни айтиб берди:

— Коллективимиз ҳозир қўлни-қўлга бериб фидокорона меҳнат қиляпти. С. Маннонов, У. Абдуллаев, Саидов сингари ёшлар ва Ленин орденли бинокор Мирҳамид Кабиров бугунги кунда пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Январь ойи плани ортиги билан бажарилди.

Ҳозир пардоз ва дурадгорлик ишларини олиб бораётган бу бунёдкорлар бинони фен раль ойининг дастлабки кунларида топширишга ҳаракат қиляптилар.

Э. ҲАСАНОВ.

Редакцияга хат

Ҳурмат шуми?

Ҳар бир коллективда ўзининг ҳалол меҳнати билан танилган, кўпчиликнинг оғирини енгил қилишни ўз бурчи деб билган ажойиб кишилар бўлади. Шубҳасиз бундай кишилар коллективнинг зўр ҳурматига сазовордирлар. Шунинг учун ҳам уларнинг суратлари корхона ёки ташкилотнинг ҳурмат тахтасига чиқарилади. Бундай кишиларн билан коллектив аҳли ҳам доим фахрланиб юради. Улардан ўрнак олишга ҳаракат қилади.

Лекин шаҳримизнинг қатор корхона ва ташкилотларида ҳурмат тахтаси номигагина мавжуд. Кўпинча унга аҳамият берилмаслиги туфайли хароба чиқиб, ўзининг тарбиявий ролини йўқотганлиги яққол сезилиб қоляпти.

3-темир-бетон буюмлари заводига ниверсиада бир вақтлар яхши умидлар билан қурилган ҳурмат тахтаси бор. Қаровсизликдан унинг шўри чиқиб, сувоқлари кўчиб кетган. Унга кўйилган беш-олти сурат ҳам ёғни-сочинда сарғайиб, таниб бўлмас даражага келган. Завод партия ташкилотининг секретари Ефим Зейфман ҳурмат тахтаси олдидан кунига бир неча бор ўтади-ю унга бурилиб боқмайди.

Бу ҳолни санитария-техника жиҳозлари заводида ҳам учратиш мумкин. Заводнинг ҳурмат тахтаси жуда катта ва ундаги суратлар ҳам маҳорат билан ишланган. Лекин вақт ўтиши билан суратларни ўз эгалари ҳам таний олмайдиган бўлиб қолган.

1-уйсозлик комбинатида ҳам, 6-темир буюмлари заводида ҳам, электр-монтаж буюмлари заводида ҳам ҳурмат тахталари эътибордан тамоман четда қолиб келяпти.

Айниқса 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-пардозлаш бошқармаси биносига кириб борсангиз, бошқарма раҳбарларининг дид-фаросатларига «қойил» қоласиз. Негаки яхшигина ҳурмат тахтасини залнинг энг қоронғи бурчагига яширишиб, олдига синиқ стол-стўлларни қалаштириб ташлашган.

Ахир ҳурмат тахтаси фақат илғорлар суратн қўйиладиган жой эмас, балки коллективда тарбиявий ишлар воситаси ҳамку. Коллектив орасида эўр ҳурмат қозонишдек бахтга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Уларни улуғлаш билан бошқаларни ҳам машъалларга тенглашишга даъват қилинади.

К. НИШОНОВ.
ишчи.

Темир йўлчи— қурувчилар

Агар ташкилот уйида истиқомат қилаётган иккита темир йўлчи учрашиб қолса, албатта НГЧ тўғрисида гап юритилади.

— Менга НГЧ жуда яхши печка қуриб берди!

— Бизда эса НГЧ полларни янгилаб, дераза кесакиларини ремонт қилди.

— Бизникига газ тушириб берди.

— Бизникига эса жуда яхши шамдон қўйди.— сингари сўзларни эшитасиз.

Бу ҳар иш қўлидан келадиган НГЧ ким?

Бу бирорта одам эмас. Бу шаҳарларда ЖЭК, темир йўлда НГЧ деб юритиладиган Тошкент масофа биноларини қуриш ва ремонт қилиш ташкилоти бўлиб, шартли равишда шу ном билан юритилади.

Бу қурилиш ташкилотида 800 кишилик коллектив мужассамлашган бўлиб, Тошкент темир йўл бўлими ва Тошкент шаҳридаги барча уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш билан шуғулланади.

Қурилиш-ремонт ишларининг ҳажми жуда катта. Шунга қарамай, топшириқ ҳамиша ортиғи билан бажарилади, Масалан, ўтган йили план 101,4 процент бажарилган бўлиб, кўпгина объектлар яхши ва аъло баҳолар билан топширилди. Айниқса прораб М. Мирҳамидов раҳбарлик қилаётган коллектив томонидан қурилаётган В. И. Ленин номли пионерлар лагери, темир йўлчилар маданият саройи, 1-Полторацкий проездидаги 8-уй ва бошқа объектлар ниҳоят сифатли қурилди ва ремонт қилинди.

Бунинг ҳаммаси ишлар механизациялаштирилганлиги ҳамда механизмлар учун кўпгина жорий қисмлар тайёрланганлиги туфайли амалга оширилди. Дераза ва эшик рамлари, полга ётқизиладиган тахталар, қоришмаларни ишлаш ва силиқлаш механизациялаштирилган. Бунинг учун дистанцияда иккита цех — дурадгорлик механика ва темир-бетон цехлари қурилган бўлиб, станцияларни тўсишда ишлатилади. Шунингдек, узелларга бетон қоришма тайёрлаб беради.

Цех ва агрегатларнинг узлуксиз ишлаши рационализация ва ихтирочиликка кенг йўл бериш туфайли таъминланди. Масалан, жиҳозлаш мастери А. Юферев, сантехника бўйича прораб С. Борисенко ва сантехниклар бригада бошлиғи Г. Чечин асфальт қориш ускунасидаги шестернялар ўрнига редуктор ўрнатиш туфайли механат унумдорлигини орттириб, маҳсулот таннархини камайтирдилар. Натижада машинанинг тез-тез бузилишига барҳам берилди, корхона йилига 3047 сўм фойда оладиган бўлди.

Одамлар, машиналарни бошқарадиган кишилар бўлмаса, машиналарнинг ўзи ишлай олмайди, албатта.

Дистанцияда ишлаб чиқариш таълими яхши йўлга қўйилган; шогирдлар учун яхши жиҳозланган станоклар, макетлар, кўргазмали қуроя, зарур адабиёт етарли миқдорда бор. Бу мактабни ўз ишини яхши билган техника хавфсизлиги бўйича инженер Н. Одилов бошқаради.

Бу кабинетда якка ҳолда 50 га яқин ходим ўз малакасини оширмоқда. Иккинчи ва учинчи сменада ишлаётган 80 га яқин ишчи янги касб ўрганиб, ғишт териш, бетончи, пайвандлаш, бўёқчилик, сувоқчилик каби ҳунарларни ўзлаштириб олдилар.

Дистанцияда аралаш касб ўргатнувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ўз навбатида бу ҳам коллективнинг юксак натижаларга эришувини таъминламоқда.

Айниқса аралаш касб А. Дергалин бошқараётган комплекс бригадада ўз ижобий натижасини кўрсатди. Бу бригадага коммунистик меҳнат коллективи номи берилган. Шунинг учун ҳам коллективга ҳамиша энг масъулиятли, мураккаб ишлар топширилади. Коллектив эса ўз навбатида бундай ишларнинг уддасидан чиқади. Чунки, ҳар бир ишчи камида тўрт хил касб ўзлаштириб олган.

Масалан, бригада бошлиғининг ўзи печка қуриш, ғишт териш, бўёқчилик, дурадгорлик, сувоқчилик касбларн бўйича энг юқори разряд олган.

Ёки ишчи И. Қодировни олайлик. У техникумни тамомлаган. Дурадгорлик, сувоқчилик касбларини яхши ўзлаштириб олган. К. Галаваддинов печка қуриш, сувоқ, бўёқ пардозлаш каби ишларни бемалол уддалайди.

П. Объедков бошқараётган сантехниклар бригадасида Г. Васильев ва Н. Ходунова, В. Прокин ва А. Хрушчев бошлиқ электрчилар бригадалари ҳудди шундай коллективлардан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам улар сизнинг касбингиз нима деган саволга биронданига жавоб бериша олмайди. Чунки, ҳамма ишчилар аралаш касбларини жуда яхши ўзлаштириб олишган.

Дистанция 1 ва 2-кварталда темир йўл бўлимининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилиб, учинчи квартал социалистик мусобақаси учун Темир йўл министрлигининг учинчи пул мукофотини олганликларининг сабаби ҳам шунда.

Улар партия ва ҳукуматимизнинг қурувчилар тўғрисидаги ғамхўрлиги, ўртача иш ҳақи олувчи қурувчиларнинг маошини ошириш тўғрисидаги қарорга жавобан В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, беш йиллик планни 1970 йилнинг 5 декабрида—Конституция кунига бажариш мажбуриятини олиб, меҳнат вахтасини давом эттирмоқдалар. Улар ўз мажбуриятларини бажаришлари аниқ. Чунки, юқорида биз айтган пешқадам ишчиларга эга бўлган коллектив ҳар қандай ишни уддалай олади.

В. ДМИТРИЕВ,

Янги объектлар қурамиз

Яқинда бизнинг трестга қарашли 17-қурилиш бошқармасида коммунистлар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бошқарма бошлиғи Ғани Хўжаев сўзга чиқиб, бинокорларнинг ғайрат-шижоати ва уларга коммунистларнинг бошчилиги ҳақида гапирди.

— Ўтган йили,— деди Ғ. Хўжаев,— коммунистларимиздан дурадгорлар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев, комплекс бригада бошлиғи Қаюмов, бўёқчилар бригадасининг бошлиғи Зоир Неъматжонов, Қизил Байроқ орденли бетончилар бригадасининг бошлиғи Адҳам Турдиев, прораб Турсунов, электрпайвандчи Ашуровлар бошқармамиз йиллик планни 102,8 процент этиб бажаришида катта ҳисса қўшдилар.

Шундан кейин ўртоқ Хўжаев қурувчиларнинг ўтган йили қўлга киритган бир неча ютуқларини санаб ўтди. Йиғилиш охирида коммунистлар томонидан янги социалистик мажбурият қабул қилинди.

Бунга Хоразм кўчасида Ўзбекистон энергетика министрлиги учун қурилаётган катта бинони фойдаланишга топшириш, Ўзбекистон кўчасида маъмурий бино қурилишини тезкорликда сифатли адо этиш, Гоголь кўчасида янги прокуратура биносини бунёд этиш, Бирлашган нашриёт учун қўшимча цех ва 105 хонали турар-жой биноси қуриш каби ишлар киритилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу йил коммунистлар сафини ёшлар ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

К. ЁҚУБОВ.
11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармаси партия комитети секретари.



Тошкент Салор темир йўл станциясининг аҳил коллективи муҳим халқ хўжалиги юклари ортилган составларни ўз вақтида қабул қилиб, ўз вақтида — график бўйича жўнатмоқда.

СУРАТДА: станциянинг қўл йиллардан буён баракали меҳнат қилаётган сигналчиси Мария Широбокова навбатдаги составни қабул қилиб олиш ҳақида сигнал бермоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Менинг маҳаллам*

Икки манзара

Адрад а н Сағбон кўчаси томон қатновчи 40-автобусга тушсангиз, чинни заводига етмасдан сал берида: «Маҳалламизга хуш келибсиз». — деган ёзувга кўзингиз тушади. Бу шаҳримиз аҳлига маълум ва машҳур бўлган «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи. Маҳаллада истиқомат қилаётганлар билан суҳбатлашсангиз: «Аҳиликда гап кўп экан».— дейишади. Бу бежиз эмас. Қисқа давр мобайнида маҳалла бекиёс юксалди. Одоб ва кўркам масканга айланди. 200 ўринли ҳашаматли клуб, ишдан сўнг ҳордиқ чиқаришга мослаштирилган озода чойхона, маҳалла қўмитети биноси, озиқ-овқат дўкони, болалар поликлиникаси, омонат касса, алоқа бўлими ва бошқа маданий-маиший хизмат муассасалари бунёд этилди. Чарогон кўчалар, асфальт йўллар кишининг завқини келтиради.

Хонадонларда ги файз, қут-барака киши қалбини қувончларга ўрайди. Маҳалла комитетининг раиси Расул Раҳмонов эса маҳалла аҳлининг ғамхўри, оқил маслаҳатгўйи, қилинаётган барча ибратли ишларнинг ташкилотчисидир.

«Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитетининг идораси ташкилий-тарбиявий штабга айлантирилган. Бу ердаги телевизор, радио меҳнаткашлар хизматида. Улар кундалик газета-журналларнинг янги сонларини шу ердан олиб ўқишади. Маҳалла котиби Ғиёс Латипов ҳар куни кеч соат 8 дан 11 гача турли иш билан келувчиларни қабул қилади. Маҳалла оқсоқоллари Йўлдош ота Каримов, Мутал ота Нурмуҳамедов, Ҳоди ака Зиёев, Камол ака Латипов, активлардан Аҳмад Қосимшайхов, Мирҳайдар Каримов, Турғун Йўлдошев каби маҳалла аҳлининг қадрдони, севимли кишилари, маслаҳатгўйи бўлиб қолишган.

Маҳалла коллективининг аҳиллик билан қилаётган ва қилмоқчи бўлган мақтовли ишлари кўп.

Шаҳримизда бундай донгдор маҳаллалар оз эмас. Масалан, Октябрь районидаги «Оқтепа» маҳалласини (комитет раиси Саъдулла Ҳабиров, котиби Усмон Акбаров) олиб кўрайлик. Бундан бир неча йил муқаддам маҳалланинг Оқтепа гузарида кичкинагина идораси бўларди, холос. Энди чи, маҳалла таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Халқ ўз кучи билан ажойиб клуб, чойхона, шифохона, нонвойхона, дўкон ҳамда почта учун кўркам бинолар барпо этди. Ёз ойларида эса маҳалла аҳли ўздари бунёд этган богда роҳат қилиб ҳордиқ чиқарадилар. Буларнинг бари аҳиллик туфайли барпо бўлди.

Афсуски, Сергели районидаги Навоий номли маҳаллани илғорлар қатори тилга ололмаймиз. Бу маҳалладаги кўпчилик хонадонлар кўча эшиги олдини ахлатхонага айлантиришган.

Маҳалла идорасининг ойналари синиқ, ичи ифлос, бош суқсангиз қўланса хид димоққа урилади. Идора эшигида катта қулф ҳамиша осиғлиқ.

Маҳалладаги ягона 97-чойхона ҳам кўнгилдагидек эмас. Чойхона ҳар куни майхона тусини олади. Бир ёқда ичкиликбозлик, бир ёқда картабозлик, бир ёқда беданабозлик авжига чиқади.


Бу маҳалланинг ташкил қилинганига яқинда икки йил тўлади. Аммо шу икки йил ичида бирорта кўзга кўринарлик иш қилинмади.

Маҳалла комитетининг раиси Э. Шерматов, комитет аъзолари Ю. Гусеев, Ҳ. Қосимов, С. Каримов, И. Исроилов, А. Ниязқулов, П. Удовиченко, Тихоновский ва М. Хазбулиналар ҳамон уйқуда. Улар маҳалла ободончилиги ҳақида ўйлашмаётир.

Маҳаллий Советларга сайловлар куни яқинлашиб келяпти. Аммо Навоий номли маҳалла активлари бу ҳақда ҳам ўйлаётганлари йўқ.

Биз юқорида икки илғор маҳалла ҳақида қисқача сўз юритдик. Бу маҳаллаларнинг обод, мақтовга лойиқ бўлишлари аҳиллиқдан, дедик. Наҳотки, Навоий номли маҳалла аҳли шундай қилолмаса?

Р. ХЎЖАМОВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: Оқтепа даҳасидаги кўшқаватли уйлар.

Р. Ткач фотоси.

«Ўтган йилги кўчатлар қани?»

Тошкент оқшомида босилгандан кейин

Ана шу сарлавҳа остида газетамизнинг ўтган йили 7 октябрь сонида босилган рейд материалида йил сайин ўтқазилаётган кўчатлар қаровсизликдан қовжираб қолаётгани қўрсатилган эди. Бу ҳол Октябрь районидаги «Марказ-13», «Марказ-14» атрофида ҳам содир бўлаётгани қайд қилинган эди.

Октябрь район коммунал хўжалиги бўлимидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали тўғри деб топилган. Газета материали Октябрь район коммунал хўжалиги бўлимида муҳокама қилинган ва конкрет тадбирлар белгиланган. Жумладан, унда кўрсатилишича, Шайхонтовур ва Қиёт ирригация тармоқларини қайта тиклаш зарурлиги қайд қилинади. Бу 13, 15-кварталларга сув чиқариш имконини беради. Шунингдек, илгари мавжуд бўлган бошқа кўпгина сув тармоқларини тиклаш юзасидан ҳам катта тадбирлар белгиланди.

Узбекистонда қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги олдидан

Тожиддин СЕЙТЖОНОВ,
қорақалпоқ шоири.

ЎТИРИНГ, ДОКТОР

Ўртоқ доктор!
Яхши бўлди келдингиз, доктор!
Бир айтажак сўзларим кўпдир.
Ўтиринг, доктор!

Тузатдингиз, ишга қайтаман.
Ҳов далада кутар йўлдошим,
Сизга катта раҳмат айтаман,
Туғишгандай эгилиб бошим.

Кучингизга жоним ишонди,
Ҳам йўқолди кўнглимнинг доғи,
Сиз тузатган қалб кучи энди,
Узоқ йилга етар бу ёғи...

Қийнамасман ҳеч қачон уни,
Арзимаган нарсалар учун.
Йўлим, сўзсиз яхшилиқ йўли,
Сарф этмасман бекорга кучим.

Бағишладим жонни Ватанга,
Тушунишим шундай азалдан.
Модомики куч бор бу танда,
Оғир юкдан эзилмас гардан.

Ўлгум девдим ётган онимда,
Қийин эди жуда аҳволим.
Эзилдингиз қаттиқ, ёнимда,
Юрагимга қўлоқ солиб жим.

Ишламасди оёғим, қўлим,
Буралардн мушт юрак гўё.
Касалликнинг тўсдингиз йўлин,
Ҳар сўзингиз бир меҳригиё.

Бошим узра турдингиз кетмай,
Қора тунни қилмасдан писанд.
Ҳаёт учун курашиб қаттиқ,
Улимни қилдингиз занжирбанд.

Сизни излаб шошиб шу онда,
Хотинингиз келди беором.
Кўпдан бери совиб бир ёнда,
Колди сизга аталган таом.

Ўртоқ доктор!
Яхши бўлди келдингиз, доктор.
Ҳали менинг сўзларим кўпдир.
Ўтиринг, доктор!
Ошиқасиз...
Бу — отдан аниқ.
Кўп беморлар кутмоқда сизни,
Эҳтимолки, юраги — толиқ...
Тутиб қолдик, кечиринг бизни...
Раҳмат сизга, шошмадингиз ҳеч

Умрим учун олишган чоғи!
Раҳмат сизга шошмадингиз ҳеч,
Энди очиқ ҳаёт қучоғи!
Менчи!

Мендан
Нари кетмади,
Шул адабий сайёр ҳаёлим.
Эсга тушди овлоқ-четдаги,

Пилла тутиб юрган ёшим.
Эсга тушди. кўзи чароснм,
Бир умрга ҳамсафар, ҳамдам;
Қўз ёшимдан оқроқ нхлосим,

Улкамдаги абадий кўклам.
Эсга тушди шошқалоқ дарё,
Яшил ёққа югурган сувлар,
Сочларимни сийпаган сабо,

Майингина нениднр куйлар.
Эсга тушди кезган боғларим,
Булбул севган гуллар, гунчалар,
У лаззатли бола чоғларим —

Севарканман барин шунчалар...
Қиймас эдим буларни асло,
Ҳуқуқим ҳам, йўқ эди бунга.
Армоним ҳам бор эди аммо,

Лозим эди яшашим шунга.
Ўртоқ доктар!
Яхши бўлди келдингиз, доктор,
Бир айтажак сўзларим кўпдир,
Ўтиринг, доктор!

Ҳа айтмоқчи, бу ерда бобом,
Табибларга берганмиш борин.
Шифо кўрмай, «у дунё» томон
Кетган эмиш кўмиб иқболин.

Айтмоқчийдим олқишларимни,
Қабул этинг юракдан чиққан.
Қувонардим, қар на боримни —
Сизга бериб армондан чиқсам.

Ҳарна борим —чин муҳаббатим,
Сиз ажойиб докторга бўлсин.
Сизнн туққан бу зўр элатим,
Мангу яшаб бахтиёр бўлсин.

Ўртоқ доктор!
Гап шу, энди ишга қайтаман.
Сизга олқиш сўзларим кўпдир,
Мен уларни шеърда айтаман.

Қорақалпоқчадан
М. Аъзамов таржимаси.

ХАЛҚ ТАРОНАЛАРИДА

Улуғ Октябрь инқилоби халқнинг асрий орзуларини, бахт ва саодат ҳақидаги ўйларини рўёбга чиқарди. Халқ ўзига эрк ва саодат берган партия ва унинг йўлбошчиси доҳий В. И. Ленинга бўлган муҳаббатини сермазмун қўшиқларида куйлади.

«Фан» нашриёти босиб чиқарган фольклоршунос олим О. Собировнинг «Саодат ва садоқат тароналари» номли китобида халқнинг инқилобдан кейинги бахтли ҳаёти ва доҳий Ленинга бўлган самимий муҳаббати изҳор қилинган халқ қўшиқлари тўпланиб, кенг ва атрофлича таҳлил қилинган.

Асар муаллифи ўзбек халқ қўшиқлари, шунингдек бахшиларнинг Совет даврида яратган термалари устида тўхталиб, фактлар ва тарихий воқеаларга мурожаат қиладн. Олим халқ қўшиқларининг яратилиш тарихини, моҳияти ва мазмунини белгилашда, уни илмий анализ қилиб баҳо беришда яхши муваффақиятга эришган.

Биринчи навбатда шуни айтиш керакки, асар муаллифи доҳий Ленин ҳақида яратилган қўшиқларни тўплаш, уни илмий жиҳатдан таҳлил қилишнн асарнинг бош мавзуси қилиб олган. Шунинг учун ҳам бутун асар давомида халқнинг доҳий Ленинга бўлган самимий муҳаббати, улар яратган қўшиқларда ўз ифодасини топади. Шунисн характерлики, ўтмишда азоб-уқубатда яшаган, бой-феодаллар эшитида хор-зор бўлган халқ инқилобнинг биринчи кунларидаёқ Ленин йўлининг меҳнаткаш омма манфаати учун қаратилганлигини, доҳий кўрсатмалари эзилган халқнинг озодлиги учун айтилганлигини тушуниб олади ва бу ниятини ўзи яратган қўшиқларда ниҳоятда содда, равон мисралар орқали ифодалайди:

Ленин йўли йўл экан,
Бу йўл тўла нур экан.
Эркин-қувноқ яшашга
Энг тўғри йўл шу экан.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, халқ томонидан яратилган бу мисралар бирон шоирнинг имзосисиз бутун халқнинг қалбини, мақсадини изҳор этган эди.

Партия ва Ленин йўлининг бирдан-бир тўғри йўл эканлигига ишонган омма ўз ичидан ана шу йўлнинг зийрак вакилларини, доҳий Ленин ғояларининг жонкуяр тарғиботчиларини, ишончли шогирдларини етиштириб чиқарди. Уни ўзларига доҳий юборган элчи деб таниди. Халқнинг бу ҳақдаги яратган қўшиқлари ҳам китобдан муносиб ўрин эгаллаган.

Йиллар ўтиши билан халқ ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Унинг турмуши, моддий ва маънавий ҳаётига янгиликлар кириб келди. Буларнинг ҳаммасидан бахраманд бўлган меҳнаткаш халқ энди доҳий Ленинга ўзининг бахт-саодатидан шодланиб, муҳаббатини чинакам миллий руҳда, миллий одатларимиз кўринишида ифода этади:

Шоҳимардон сойидан,
Олтин булоқ топаман.
Бахтим очган Ленинга,
Кимхоб бахмал ёпаман.

Китобда хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқи учун олиб борган мардонавор курашлари ҳақида яратилган қўшиқлар ҳам анчагина. Бу қўшиқларда асрий зулматни улоқтириб, нурга интилган хотин-қизлар доҳий Ленининг содиқ фарзандлари сифатида куйланади.

Паранжи учун экан,
Жияғи қизил экан.
Паранжини ташлаганлар
Ленининг қизи экан.

Улуғ Ватан уруши йилларида бутун мамлакат, халқнинг фаолияти некис босқинчилари устидан ғалаба қилишга қаратилди. Шоирларимиз қалами қилич, найзага айланди. Шунисн характерлики, бу йилларда яратилган қўшиқлар ҳам доҳий Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир. Халқ шоири Ислом ота Назар ўғли урушнинг биринчи кунларида яратган қўшиқларида совет халқини босқинчиларга қарши курашга чақиради. Бирликни ўргатган улуғ доҳий Ленин номини ҳурмат билан тилга олади:

Бирлашмоқни устоз Ленин
билдирган.
Бирлик билан совет элин бўлдирган.
Душманни қийратиб, дўстни
кулдирган,
Қўзғалинг, меҳнаткаш ҳур
авлодлари.

Халқ курашлар билан қўлга киритган бахтни душман оёғи остига ташлай олмас эди. Чунки ўз бахтини қўлга киритган ғолиб элнинг бошида доҳий Ленин партияси турганига халқ ишонар эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг тароналарида:

Партия халқ бошида абадий бир
соябон,
Ҳеч бир душман бузолмас Ленин тузган бу замон, —

деб куйлайди.

Хуллас, олимнинг бу асари халқимизнинг орзу-умидини рўёбга чиқарган партия ва доҳий Ленинга бўлган халқнинг туганмас меҳри-муҳаббатини ифодалашда ўзининг олдига қўйган мақсадини яхши бажарганлиги билан характерланади. Айниқса, бу асар доҳий В. И. Ленин туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан кизгин тайёргарлик олиб борилаётган шу кунларда яна ҳам катта аҳамият касб этади. Шунингдек бу асар халқ ва Ленин деган муҳим мавзуни очишда ҳамда халқ томонидан яратилган Ленин образининг такомилида ва уни бойитишда илмий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга молнкдир.

Е. ЯКВАЛХЎЖАЕВ.



Мен ҳам космонавт бўламан.

Ю. Содиқов фотоэтюди.

Шифокор қабулида

«ИС ТЕГИБ» ЗАҲАРЛАНИШ

Ис газини бўғувчи, заҳарловчи газ ҳам дейилади. Ўзбеклар ис газидан заҳарланишни «ис тегиш» деб атайдилар.

Ҳар хил кўмирларнинг ёнишидан ис тегиши мумкин. Уйдаги печка трубаларининг эскириб қолганлиги сабабли ундан аста-секин тутун чиқа бошлайди, бундай вақтларда обҳавонинг тўсатдан ўзгариши, яъни атмосфера босимининг ўзгариши натижасида тутун ва ва газлар хоналарга кириб заҳарлаши мумкин.

Ис тегиш ҳоллари, айниқса ҳозирги кунларда кўп учрамоқда. Печка ва плиталарни ёққанда, газ плиталаридан ва табиий газдан фойдаланганда, уй ҳаммомлари ёқилганда, уй ичида чўян дазмолдан фойдаланганда, тошкўмири олиб тугатилмаган самоварни уйга олиб кириб чой ичилганда ва тошкўмир солинган сандалда ўтирганда, айниқса ухлаб қолганда ис газидан заҳарланиб қолиш мумкин. Ис гази нафас йўллари орқали бутун организмни заҳарлайди. Одам ҳаёти учун зарурий аъзоларнинг ишини бузади. Ис тегишининг биринчи даврида ис теккан одам эс-ҳушини йўқотмайди. Касаллар кўпинча бош оғришидан, қўлоқ шанғиллашидан, пешонанинг сиқилиши ва бош айланишидан шикоят қиладилар.

Уларда кўнгил айниш, кетмакет қусиш, юрак уриши ва кўкрак сиқилиши каби ҳодисалар рўй беради. Баъзан кўзга турли туман нарсалар кўринади. Қўлоққа ҳар хил товушлар эшитилади.

Оёқда дармонсизлик, тортишиш, гандираклаб юриш, тез-тез нафас олиш, уйқучанлик пайдо бўлиб, заҳарланган одам карахт бўлиб юради. Касалланишнинг иккинчи даврида бемор эс-ҳушини йўқотади, титроқ пайдо бўлади. Беморнинг нафас олиши анча тезлашади ва қийинлашади, қон босими пасайиб кетади, кўз қорачиқлари кенгайиб, ўзини тез босиб, аҳволи оғирлашади. Сўнгра учинчи давр бошланади. Бунда ис теккан одам ҳушидан кетади, ҳеч нарсани сезмаган ҳолда, тартибсиз нафас олади. Бундай аҳвол бир неча соат, ҳатто икки ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Бунда бемор дори-дармон билан соғаяди ёки вафот этади. Баъзан ис теккан кишини тоза ҳавога олиб чиқилганда у тезда тузалиб кетади, кўп кишилар эса анча вақттача гангиб юрадилар.

Ис тегиб заҳарланишнинг олдини олиш учун ҳар йили қиш бошланмасдан аввал баъзибир тадбирларни кўриш зарур. Бунинг учун печкалар, плиталар ва ҳаммомларни ремонт қилиш, ёрилган жойлари бўлса суваш, тутун йўлларини тозалаш, карнайларни янгилаб қўйиш керак.

Газ плиталари, баллонлари ва горелкалари бузилган бўлса мутахассисларни чақириб назоратдан ўтказиш керак. Етиш олдидан газ кранларини махкамлаб бекитиб қўйишни унут маслик керак. Дераза форточкаларини вақти-вақти билан очиб, уй ҳавосини янгилаб туриш тавсия этилади. Печка, плита ва ҳаммомлардаги колонка эшикларини доимо ёпиб қўйиш керак.

Қиш пайтида яхши ёниб бўлмаган ва ҳидя аччиқ кўмир солинган самоварни уйга олиб кириш ярамайди. Сандалдан фойдаланиш хавфлидир. Сандалда ис тегиши муқаррар.

Ис теккан одамни тезликда уйдан очиқ ҳавога олиб чиқиш лозим. Ис теккан кишининг кийимларини, тугмаларини бўшатиб, оёқ-қўлларига иссиқ грелка ёки иссиқ ванна қилинса, унинг аҳволи анча енгиллашади. Ис теккан кишига нашатир спирти ҳидлатиб, аччиқ чой ичириш тавсия этилади.

Ис теккан одамнинг ухлашига йўл қўймаслик учун унинг юзига совуқ сув сепиб туриш керак. Кислород бўлса, кислород бериш керак.

Агар ис теккан киши ҳушидан кетган бўлса, сунъий нафас олдириш керак. Уй ва корхонада ис теккан одамга шошилинч равишда биринчи ёрдам кўрсатиш ва «03» телефони орқали «тез ёрдам» врачини чақириш лозим.

Ф. КОМИЛОВ,
шаҳар «Тез ёрдам» станциясининг бош врачи, УзССРда хизмат курсатган врач.

Жаҳон оинаси

БОСҚИНЧИЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

Ўрта ер денгизи ҳозир НАТО босқинчилик снёсатининг энг асосий нишонларидан бири бўлиб қолди. НАТОнинг Европа жанубий зонасидаги қуролли кучларининг бош қўмондони, адмирал Риверс раислиги остида Афинада бўлиб ўтган кейинги мажлиси империалистларнинг бу районга бўлган кизиқишини кўрсатиб берадиган яна бир далолатдир.

Атлантика милитаристларининг Ўрта ер денгизининг сохиллари ва сувларига бўлган «алоҳида қизиқиши»ни нима деб изоҳлаш мумкин!

Бунга тегишли бўлган жавобни НАТО бошлиқлари стратегиясининг босқинчилик асосидан қидирмоқ керак.

Кипрдан тортиб Гибралтаргача бўлган Ўрта ер денгизи территориясидаги халқларнинг ўз мамлакатларининг мустақиллнкларини таъминлаш учун тобора қатъийроқ кураш олиб бораётгани ва бу эса империализмнинг Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги снёсий, ҳарбий ва иқтисодий манфаатларини хавф остида қолдираётгани Вашингтонни безовта қилмоқда. АҚШнинг 6-флоти бу ерда империалистлар ва ҳаммадан аввал Америка империалистларининг пашшахўрдалигини доимий муҳофаза қилувчи бўлиб қолди.

Бир вақтлар ғарб пропагандистлари совет хавфи билан баъзи бировларни чалғитиб олар эдилар. Бироқ кейинги воқеалар бу уйдирма афсонани чипакка чиқарди. Мисол учун Кипр ҳақи ни америкаликлар ва НАТОнинг ораларо жамоаларо ғалаёнларни авж олдирганн ҳамда Кипрни бўлиб юборишга қаратилган планларини республикага зўрлаб тиқиштирнш учун уринганликларини била турибуларни қандай қилиб ўз дўстлари деб ҳисоблай олсин ахир! Араб мамлакатлари ҳам америкаликларни ўз иттифоқчилари деб ҳисоблай олмайдилар.

Қўшма Штатлар Ўрта ер денгизини ўз мулки деб ҳисоблаб келди. Америкаиинг 6-флоти АҚШ империализмининг гангстерлик снёсатини куч билан қўллаб-қувватлаш учун ҳамиша тайёр ҳолда турди. Маълумки, 1958 йилда айни шу флот кемаларидан Ливан мустақиллигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳаракатини бостириш учун денгиз пиёда аскарлари туширилган эди. Ўша йилнинг ўзида Англия-Иордания низолари вақтида АҚШ ўз шериги Англия интнёрига 6-флотнинг самолётларини берганди. 1966 йилнинг кузида Исроил Иорданияга қарши ҳарбий ҳаракатларини бошлаган ҳамда 1967 йил июнида Исроил араб мамлакатларига қарши ҳарбий ҳужум қилган вақтларда Америка флоти Вашингтон-


„ЖОНАТАН“ ЭКСПОРТ ҚИЛИНЯПТИ

Боғдорчилик Венгрия қишлоқ хўжалигида тез ўсаётган соҳа ҳисобланади. Мамлакат тупроғи ва об-ҳавоси «Жонатан» ва «Старкинг» каби қимматбаҳо олма навларини етиштириш учун қулайдир. Бу навларга кўп гина Европа давлатларида талаб катта.

Республика кооперативлари ва давлат хўжаликлари кейинги 15 йилда кенг майдонларда янги боғлар яратдилар. Натижада ўтган йили фақат олманинг ўзидан 650 минг тонна ҳосил йиғиб олиняпти. Бу урушдан аввалги охирги йилга нисбатан саккиз баравар кўпроқдир. Ҳосилнинг учдан бир қисми экспорт қилинади.

Республика ҳукумати бир қатор мамлакатлар билан тобора кўпроқ олма етказиб бериш юзасидан узоқ муддатли ўзаро фойдали шартномалар тузди. 1970 йил ўрталарига бориб ҳушбўй олма етиштиришни 1,3 миллион тоннага етказиш мўлжалланди. Бунинг учдан бир қисми Совет Иттифоқига экспорт қилинади.

Б. ВИДАМ,
венгер журналисти.
(АПН).



Қиш ажойиб ҳайналтарош сифатида сувдан турли-туман ажойиботлар яратмоқда. Бу жуда катта оқим мавзесини Швейцарияда кўзга ташланади.

Кейстон-ТАСС фотоси.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ

АНҚАРА. Туркия ҳукумати ядро куролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзолашга қарор қилди.

Туркия ташқи ишлар министрлиги ахборот департаментининг бош директори О. Эшжон бундай деди: «Туркия ҳукумати бу шартномани инсоният учун жиддий хавф бўлган ядро қуроли билан қуролланиш пойгасига қарши кўрилиши зарур чораларнинг бири, деб ҳисоблайди. Туркия ҳукумати бу шартномани имзолаш тўғрисида қарор қабул қилганида миллатлараро муносабатларга ишонч ва ҳамкорлик ўрнатишга кўмаклашиш ва жаҳондаги кескинликни ялпи юмшатиш ишига ўз ҳиссасини қўшиш истагига амал қилди».

(ТАСС).

Адабий миниатюралар

АДАБИЙ МИНИАТЮРА — АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ БИР ТУРИ. БУ ТУРНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАМУНАЛАРИНИ РАСУЛ ҲАМЗАТОВНИНГ «ДОҒИСТОНИМ» АСАРИДА КЎРИШ МУМКИН.

АДАБИЁТЧИЛАР ДАВРАСИДА БЎЛГАНИМДА АДАБИЙ ҲАЁТДАГИ АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР ҲАҚИДА АЙТИЛГАН ЖУДА КЎП АҚЛЛИ ВА НОЗИК ҚОЧИРИҚЛАРНИ ЭШИТАМАН. АФСУСКИ, БУ НОЁБ ГАПЛАР КЎПИНЧА ҚОҒОЗГА ТУШМАЙ ҚОЛИБ КЕТАДИ. ШУ ЭШИТГАНЛАРИМНИ ЖАМЛАБ ҚОҒОЗГА ТУШИРИШГА ЖАЗМ ЭТДИМ. УЛАРГА ЎЗ ЁНИМДАН ҲАМ БАЪЗИ НАРСАЛАРНИ ҚЎШИБ ҚЎЙДИМ. МИНИАТЮРАЛАРНИ АДАБИЁТЧИ ДЎСТИМ ОБРАЗИ ОРҚАЛИ БИР ИПГА ТИЗИБ ЧИҚМОҚЧИМАН.

АВТОР.

— Бизга ўхшаш оддий одамлар ҳам бошқа планеталарга бемалол саёҳат қиладиган даврлар кела қолсайди,— деб қолди масалчи шоир.

— Буни сизга қанақа қизиғи бор!— деб сўради адабиётчи дўстим.

— Қизиғи бор-да, биродар, — деди шоир.— Бу дунёда масалга тушмаган жонивор қолмади, зора бошқа планеталарда биз учун янги қаҳрамонлар топилиб қолса!

1

***

— Қаранг, Н. нинг шеъри яна чиқибди. Ҳафтада бир бор газетада кўрнинб турмаса ялжи ийқ. Ахир бу шеърларни ёзишдан мақсад нима, уларда ҳеч қанақа «дард» йўқ-ку, айтмаса ҳам бўлаверадиган гаплар-ку!

— Қизиқманг,— деди адабиётчи дўстим,— мақсад бор, бу шеърлари билан у ўзининг оламда борлигини билдирнб турмоқчи бўлади.

***

Бир адабий суҳбатда ёшларни кўтарнш ҳақида қизғин баҳс борар эди. Шунда адабиётчи дўстим кулогимга шипшнди:

— Гапни қаранг-у, ёш ёзувчи тўнка эмасми, остига пишанг солиб кўтарса!

***

— Ижод — бу талант деганн, талантсиз ижод ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас,— деб қолди кунларнинг бирида адабиётчи дўстим. Шунда суҳбатдошимиз гапга аралашди:

— Гапингиз тўғри, лекин меҳнатда ҳам гап кўп. Менн талантли ёзувчи дейишади. Бўлса бордир. Аммо мен нимани маъқул нарса яратган бўлсам, бунга тинимсиз меҳнат туфайли эришганман. Агар менчалик урмнса, маймун ҳам ёзувчи бўлиб кетар эди.

***

Адабиётчи дўстим бир ёзувчи асарндаги эўрма-зўракилик ҳақида гап очган эди, кимдир унн маъқуллади:

— Ҳа, унинг одати шунақа: китобхонни кулдиришга урннади, кулавермаса қитиқлаб кулдиради, ўқувчнни йиғлатмоқчи бўладн, йиғлайвермаса кўзига пиёз суртиб йиғлатади.

***

— Буни қаранг,— деди адабиётчи дўстнм журналнинг янги сонида босилган бир ёш ёзувчининг асарига ншора қилиб.— Бу ўртоқ қиссаси қўлёзмасини менга ўқишга берувди. Қиссада Марня Ивановна деган насиҳатгўй аёл бор эди. Асар учун шу типдаги образ ортиқча эканини айтган эдим, ўзи ҳам буни маъқул кўрган, тузатаман деган эди. Боплаб тузатибди — Марня Ивановнани Марҳамат опа деб ўзгартирибди.

***

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг кузатув кечасида бир ёш шоир янги поэмасидан парча ўқиди. Парчанинг мазмуни шунақа: хизматга жўнаётган йигит ота-онаси, ака-укаси, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнисн, жамнки таниш-билишлари, ҳовли-жойи, кўча-кўйи, боғ-роғлари билан бирма-бир худди видолашгандек хайрлашади. Шунда адабиётчи дўстимнинг тоқати-тоқ бўлиб кетди:

— Нима бало, қаҳрамон жаҳаннамга кетяптими!

***

Бир нотиқ араванн роса қуруқ олиб қочди:

— Ёзувчилар ҳаётни яхши ўрганишмайди, ҳаммалари шаҳарда яшашади, қайноқ ҳаёт ичида кам бўлишади, қишлоққа кам чиқадилар.

Адабиётчи дўстим луқма ташлади:

— Бундан чиқди қишлоқда тирнклар, шаҳарда ўликлар яшар эканда!

***

Бир китобхон:

— Ижобий қаҳрамон қандай бўлиши керак!— деб сўраган эди, адабиётчи дўстим жавоб қилди:

— Буни ёзувчидан сўраш керак. Афсус, мен ёзувчи эмасман, ёзувчи бўлганимда ёзиб кўрсатар эдим.

***

— Автор романининг охирида эр билан хотинни ажратиб юборнб яхши қилмабди да,— деб қолди бир китобхон.

— Афсуски, автор судья эмас, судья бўлганда, эҳтимол, уларни яраштиришга урнниб кўрган бўларди,— деди дўстим.

Умарали НОРМАТОВ.

3

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ.
30 ЯНВАРЬ, 1969 й.

● *Қардошларимиз адабиётидан*



Менинг шон-шавкатим

юмористик ҳикоя

Яков БАШ.
ижодий ёзувчи

БУ ҲИКОЯНИ КЕКСА ПАРТИЗАНДАН ЭШИТГАНМАН.

Йигитлар, у вақтларда мен колхозда қоровул бўлиб ишлардим. Унча-мунча қоровулмас, чинакам машҳур одам эдим. Фақат ўзимнинг шу қадар шуҳрат қозонганимни кейинроқ билиб қолдим. Очиғи, ўзларингдан кейин билдим. Йўқ, ўлай агар рост айтяпман.

Ўпгунимча ғирт дангаса эдим. Колхоз ранси кун ора олдига чақириб боплаб сўкади. Сен, Швайка бува, одамгарчилиқдан чиққиб қолибсан, дейди. Хушёрлигинг қаёққа кетди, омбордан бир қоп чўчқа ёмғир юм ўғирлади, дейди. Хўш, кўзинг қаёқда эди, пашша қўриб ётганмидинг, дейди. Шу, десангиз, сўкаверади-сўкаверади...

Ҳа, энди, ранс бўлгандан кейин сўкади-да. Ҳисобчини айтмайсизми! Сен, ишёқмас, кўриб турарсан, яқинда бутун омборни ўғирлатиб юборасан,— анграйиб қолаверасан, дейди. Мана, омбордаги нарсалар ҳисобга тўғри келмай қоляпти. Қора рўйхатга ёзиб шундай адабингни берайки, дейди.

Бу ҳам бир навиқу-я, омборчининг кўзига кўринишдан қўрққаман. Эртагаёқ судга бераман, сен дангаса, такасалтангни, дейди.

Тўғрисини айтсам, соғлиғимни мазаси йўқ эди. Куну-тун ухламаман. Одамлар рансга айтишяпти. Швайко бувага бошқа иш топиб бериng, дейишяпти. Йўқ, иложи бўлмади. Омборчи маҳкам ёқамга ёпишиб олди.

Кампирим Малашка ҳам,— қулоғи қизиётгандир, шўрликнинг,—омборчининг сўзига кириб, сочимни битталаб юлгудай бўлади. Бутун колхозда обрўйимни уч пул қилдинг, дейди.

Мен бўлсам бир вақтлар сизларга ўхшаш гижингланган йигит эдим. Подшо даврида ҳам лейбгвардиячи бўлганман. Мундирим қимматбаҳо матодан тикилган. Ўлай агар рост. Шундай қилиб, ҳаммасига мундир сабаб бўлди. Колхозимизда Макар Цвятка деган одам бор эди.. Омборчининг ёрдамчиси. Кўринишдан дурустку, ғирт саёқ йигит. Ҳеч нимадан қайтмайди, ўлай агар! Постга келишим билан омборга ғизиллаб кириб кетади. Нимагадир менинг мундирим ана шу Макарга ёқиб қолыпти. Ҳар куни ялинади. Мундирингни менга бер, ҳоҳлаганингча пул берай дейди. Сен энди кексайиб қолдинг, бунақа кийимлар менга ярашади, уйланишим керак, дейди. Елимдай ёпишиб олди-да, лаънати. Ўзингиз ўйланг, шунча йиллик қадрдон мундирни сотиб бўладими!

Кунлардан бирида, агар адашмасам қирқ биринчи йил киришига икки кун қолганда омборга келипмаму, устимга пўстинини ёпиб тош қотиб ухлаб қолипман. Ухламаму, жоним жаннатга қараб равона бўлибди. Хиринглашманглар, ўлай агар, рост!

Кампирим Малашка, — қулоғи қизиётгандир шўрликнинг,— шунақаям йиғлабди, шунақаям йиғлабди! Бутун колхозни бошига тўплабди. Раҳбарлар келибди. Ўлипти-ку, бечоранинг жони кетди, энди кўмиш керак дейишипти.

Колхоз правленнеси мотам муносабати билан дарров мажлис қилиб, менга кўмиш учун пул ажратишипти. Ўлиқни кўмгандан кейин хотираси учун ичиш керакми, керак! Бунинг устига янги йил яқинлашиб қолган. Ҳамма томондан мос.

Мени ўша пейб-гвардия мундирини кийгизиб боплаб ясатишипти, тахта устига ётқизиб қўйишипти. Кейин эшитишимча қараганда 31 декабрь куни соат тўртда лахтага қўйишадиган бўлипти. Кейинчалик Малашка кампирмнинг айтишича, ишнинг чатоғи чиқипти. Колхоз ранси гўрковларга айтиб қўймаган экан, ҳеч ким гўр қазимаптн. Кампирим бўлса ўзи билан ўзи овора. Тобутимни кўтариб мозорбошига олиб келишса, гўр тайёр эмас.

Қиш бўлгандан кейин совуқ бўлмай ялож йўқ. Совуқ бўлгандан кейин ер тош қотади. Гўр қазиш осон гапми!

Узоқ маслаҳатлашгандан кейин колхоз ранси кампирим Малашкага шундай депти.

— Мени кечир, Меланья хола... Бўёғини яхши ўйламапмиз. Чолингни эртага кўмамиз. Ҳозир уни мозор қоровулхонасига олиб кириб қўямиз. Бугун унинг хотирасини эслаб ўтиришу қилямиз. Кечқурун соат ўн бирларда қариндош-уруғларингни йиғиб идорага келгин. Ҳамма нарсани танёрлаб қўямиз, дебди.

Кампирим ҳам розн бўлақолпти.

Шундай қилиб десангиз, мени тобут-побутим билан қўшиб мозорнинг қоровулхонасига элтиб қўйишипти-да, ўзларн колхоз идорасига жўнаб қолишипти. Деярли бутун қишлоқ идорага тўпланипти. Текин ароқ бўлганидан кейин тўпланади-да.

Фақат Макар Цвятка бормапти. Бутун колхоз менинг хотирамни нишонлаш баҳонасида янги йилни кутиш учун тўпланганидан фойдаланиб, ўзига ўхшаган безори билан гўрхтонининг қоровулхонасига кириб мени ечинтирмоқчи бўлипти, лаънати! Тобутни очишипти-да, секингина мундирни ечмша бошлапти.

Мундай қарасам, уйқу аралаш биров ўёқ бўёғимни титкилаётганга ўхшайди. Шунча ҳушимни тўплайман дейман, тўплай олмайман. Бирданига калламга аблах Макар омборга ўғирликка тушган бўлмасин, деган хаёл келди. Шошмай тур, сен лаънатини, дедим-у, сакраб ўримдан туриб кетдим! Қарасам, олдимда Макар турипти. Лекин турган жойимиз омборга ўхшамайди. Турган замоним Макар билан оғайнисн шундай ювилиб юборишдики, думи қисилган итга ўхшайди. Иккаласи бирин-кетин эшикка отилди. Узоқ от билан қувсангиз ҳам етолмасдингиз. Бандитман деб мақтаниб юришдию, юрак деган нарса йўқ. Болалар билан аёллардан бошқа одамга кучи етмайди. Келиб-келиб ҳозир фашистлар ўша аблахни полицня бошлиғи қилиб қўйишипти. Топган одамини қаранг.

Бундоқ ўйлаб қарасам. ўзимда ҳам юрак масаласи ўртачарок экан. Ёнимда ётган тобутни кўрдим-у, эсим чиқиб кетди. Туш кўряпманми деб, гоҳ қулоғимни, гоҳ бурнимни ушлаб кўраман. Йўқ, тушим эмас, ўнгим. Ростини айтсам, қўрққанимдан яна бир марта ўлиб қолай дедим.

Шундай қилиб десангиз, гўристондан чиқиб уйга жўнаб қолдик. Йўл-йўлакай, нима бўлганига ҳайрон, бўлиб, ҳаёл суриб борямаи. Бундоқ қарасам, колхоз идорасида чироқлар машъала! Қани, рансдан сўраб кўрайчи, менга нима бўлдийкин деган ҳаёлда дераза ёнига келдим.

Бундоқ қарасам, ўтириш катта! Идора тўла одам. Кетма-кет ичиб ётишипти. Ўлай агар! Энди бизнинг мақтовимизни кўрсангиз! Шунча мақтовни эшитса, шайтон ҳам фаришта бўлиб кетарди. Ранс кўзида ёш билан, қўлида қадаҳ билан гапиряпти. Ўртоқлар, колхозчилар, дейди, шафқатсиз, лаънати ўлим орамиздан шу катта онламизнинг энг яхши аъзоси ўткир кўзли бедор қоровулимиз ҳурматли отамиз, севикли устозимиз, азизимиз Мирон Мироновични олиб кетди дейди. Шу азиз отахонимнинг ёркин хотираси учун ичайлик, дейди.

Ичишди, ўлай агар ичишди!

Бундоқ қарасам, ҳисобчи ўрнидан туряпти. Ўрнидан турдию, кайфи ошиб қолган бўлса керак, соатининг капгирндай тебраниб гап бошлади. «Азиз граждалар ва гражданкалар, акалар ва опалар! Ажойиб, покиза одам, софдил меҳнаткаш Мирон Мироновичнинг кўзларн бир умрга юмилди. Унинг қнёфаси кўз ўнгимизда покизалик рамзи бўлиб қолажак. Унинг исми доимо оқ рўйхатдан тушган эмас. У бизнинг омборимизни душманлардан нақадар жасорат билан қўриқлаб келди. Мирон Мироновнч постда турар экан, омборга ўғри тушиши ўш